

Қуръондан шуни таълим олдим

16:39 / 07.08.2021 3861

Қуръондан шуни таълим олдимки, ҳаёт ақллилар унда муваффақият топиб, тақводорлар ундан маҳрум бўлиб қоладиган аниқ арифметик ҳисоб-китоблар амалиёти эмас экан!

Кўрмайсизми, Аллоҳ кимга хоҳласа беҳисоб ризқ ато этишини? Албатта, У кимга хоҳласа ҳикмат ато этишини? Албатта У кимни хоҳласа мағфират этиб, кечиришини? Албатта У кимни хоҳласа ҳидоят этишини кўрмадингизми?

Аллоҳнинг раҳматига интизор турувчилар инсонлар ичидаги Аллоҳга ишончи ва иймони кўпроқ бўлган кишилардир.